



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasi gazetasi

<http://www.ishonch-doverie.uz>

2013-yil 15-yanvar, seshanba № 7 (3200)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqsa boshlagan

2013 йил ~ Одод турмуши ўили

«...ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабха ва йўналишларда қиласётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда ўй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғликдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали киладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим». Ислом КАРИМОВ



Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти Гулнора опа Шарипова пойтахтимизнинг Учтепа туманида истикомат киласди. У 40 йилдан бери ёшларга таълим-тарбия берисидек шарафли қасбда меҳнат қилиб келмоқда.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, деб бежизга айтмайди доно ҳалқимиз, — дейи-

ди Гулнора Шарипова. — Аввало, ниятни қилиб, ҳалол меҳнат ортидан фарзандларга тўғри тарбия бериш, касб-корли қилиш ҳар бир ота-онанин бурчидир. Фаровон турмуш асоси ҳам айнан шудир. Аллоҳга шукур, бир ўғил, икки қизим бор. Катта қизим Дилноза олий маълумотли педагог, куёвим Ҳусанжон — тадбиркор.

Ўғлим Рамзидин икчи ишлар соҳаидаги шийдайди. Кичик қизим Дилюбар тибиёт коллежини тамомлаган. Барчasi ўзлари танлаган қасби билан ҳалқимиз хизматиди.

Суратда: Г.Шарипова оила даврасида.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Йил бошидаги ўйлар

ОБОД ЮРТГА ПОК НИЯТ ПОСБОН

2012 йилнинг декабрида Буюк Британиядаги Marlescroft консалтинг компанияси «Ривожланни бораётган бозорлар индекси» бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 та давлатта таалуқли узоқ муддатли инвестициялар кўрсаткиларини ўрганиб чиқди. Унда Ўзбекистон бизнес мухити ва инвестиция киритишга кўлай дунёдаги 20 та мамлакат каторида этироф этилди.

Инвестиция, содда қилиб айтганда, четдан киритиладиган сармоя. Маблағни ўзга юртга йўналтиришдан мақсад нима? Аввало, фойда кўриш. Айни пайтда чёт сармояси сарфланган замон ҳам манфаат кўради: кўшичма иш ўрни очилади, даромаднинг муйайн улуши ўша жойда қолади.

Инвестиция қандай мамлакатга йўналтирилади? Умумий қабул килинган талаблар кўйидагича: ўша давлатда тинч осойишига ҳаёт барқарор бўли-

ши керак. Тўст-тўполон, ур-йи-кит авж олиб турган жойда ит эгасини танимайди. Сармоя сарфлаш кўзда тутилган мамлакатда конун устуворлигига кафолат зарур. Ҳукукий жамият шаклланганда эртанинга кунга ишонч мустахкам бўлади.

Ўзбекистон номи ўша рўйхатта ўз-ўзидан киритилмаган. Холислик мезонларига таяниб, шундай хуносага муносиб баҳолашмоқда.

Тўрт-беш йилдан бўён бутун дунёда инкорис шамоли эсиб, кули давлатлар икти-

тийтини кемириб турган бир пайдо Ўзбекистон ўсиш, ривожланиш ўйидан бораёт. Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин. Шундай ижобий на-тижалар фуқароларимиз кучига куч қўшиши лозим. Айни пайдо ҳеч ким хотиржамлика, бепарвонлик берилиши керак эмас.. Ютуқлар бизни эсанкиратмаслиги, аксинча, ҳуշёргимизни ошириши за-

рур.

Беш асосий тамоил мөхи-ятидан келиб чиқсан чора-тадбирларни амалга ошириш на-факат давом эттаётган жаҳон молиявий-иктисодий икни-зининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки сўнгги йиллар давомидан давлат бюджети профицит билан ижро этилишини таъминлаш имко-

нини ҳам берди, яъни даромад ҳажми харажатдан кўп бўлди.

Макроиктисодий кўрсактичлар прогнозида, солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналтишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги давлат бюджетидаги иктиносидёт ривожланишининг юкори ва барқарор суръатлари, макроиктисодий юқсалишни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини изил ривожлантириш, иш ҳақи мидорларини ошириб бориши ва манзилли ижтимоий кўллаб-куватлаш орқали мамлакат ахолисининг турмуш даражасини яхшилаш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўқиб-ўрганамиз

Маълумки, Асосий Конунимиз ҳалқаро ҳукукнинг умумэтироф этилган норма ва тамоилларини ифода этибигина қолмай, Инсон ҳукуклари умумжаҳон Декларацияси 10 дан ортиқ моддаларининг мазмунини ўзига сингидирганини билан катта аҳамиятта молидид.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

Инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш, уни амалда таъминлашга турли даврда турлича назар билан қаралган бўлиб, жумладан, Шарди мусулмон ҳукуки инсоннинг улуглиги ва уни ўзозлаш ҳар бир динатни одамнинг мұқаддас бўрчи ҳисобланниши алоҳида уқтириб келинган. Фарб мамлакатларида ҳам буғоя устувор хисобланган. Чунончи, инсоннинг асосий ҳукуклари Англияда 1869 йилда кабул килинган. Билл ролла-роса юз йил ўтган, Францияда амалиётга киритилган. Инсон ва фуқаро ҳукуклари Deklarasiyasiда этироф этилган. Бир неча мамлакатлар томонидан тузилилган дастлабки ҳалқаро ҳужжатлар — 1845 йил Вена, 1856 йил Париж, 1878 йил Берлин шартномаларида озчилини ташкил этиувчи ҳалқарни ҳимоялаш, куличлик, қароқчилик, қийновларга барҳам бериш, виждан эркинлигини таъминлаш сингари талаблар ўрин эгаллаган.

(Давоми 3-саҳифада).

Кеча ва бугун

ЗАМОНАНГДАН

Азал-азалдан ҳаёт инсон ва жамият тафаккурини ўзгартиришнинг бўлиб олган. Янгиланган тафаккур ўз нағбатда турмушни янгилайди. Натижада, жамият тақдирда тубे ўрвишилар рўй бераб, ҳатто оддийгина гап-сўзлар хам бошқача маъно-мазмун касб этади.

Хусусан, бугунги турнгларни ўттиз-кирк йил олдингиси билан солиширсан, орасида ер билан осмонча тафовут кўрамиз. Оддийгина мисол: ўтган асрнинг ет-мишичини-саксоничига йилларида ўтилган асрнан олар билан галлашсангиз, жони таҳликада эканини дарҳол се-зардингиз. Бир парча этдан ардоқлаб-авайлаб ўтирган, бўй-басти кўзни кунтирадиган навқирон йигитга айланган фарзандининг ҳарбий хизмати чакирилишидан саросимага тушиб, ота-бобо-

сининг тушига ҳам кирмаган, расман ул-мамлакат тасарруғига кирса-да, аслан бегона юртларга жўнатирилди. Ахир, ҳар кимнинг боласи ўзига азиз-да...

Халқда «Замон ўзгарди, зонг ўзгарди» деган нақл бор. Шевада «зонг» конун-коида демакдир. Истиқолол шарофати билан ўша таҳликали кунлар ҳалқимиз учун олис ва бегона ўтмишига айланди.

Энди эса...

Жонида бир даврада ўтиргандик, гала-ти гап бўлди. Суҳбатшаримиздан бирни кутилмаганди «уҳ» тортиб, замондан нолиб колди. Суриштирас, дарди «кatta» — асарликка чакирилчиларни текширишдан ўтказдиган шифокорлар хафа қилишибди, «орагида шовқин бор», деб ўлгини қай-

тиришибди. «Бу яхши-ку, соглигига кусур бўлса, аскарликка жўнатиб нима қиласиз, ундан кўра яхшилаш оғадатлини борганди», десак, «Юрагида сал шовқин бўлса, ҳеч нарса қилимас, тенгдозларига қўшилиб елигурса, тузалиб кетар, ўзи олий маълумотли, армияга бориб, яхши-ёмонни қўриб, чинчиб, ҳар томонлама пишиб, ҳакиқий йигит бўлиб келсин», деган ниятини борди да, деди. Айтишича, таниш-билишичиллик ҳам иш бермраган эмиш...

Бу гапни ўшишиб ҳаммамиз кулиб юбордик. У эса яна оғир тин олиб:

— Хе, замонандан ўргилдим... — деди. Бу — ўгуни Ватан ҳимоялиниларига са-фига қўшиши, унин ҳақиқий курт ўғлони бўлиб вояға этишини ният қитган, аммо, орзузи ушалмай турган инсоннинг, юрт-дошишимизнинг ўқинчи эди.

ЎРГИЛАЙ...

Замонандан ўргилдим...
Бундан йигирма беш-үтсиз йил олдин ибора нолиш ва норозилик аралаш лаънатлаш оҳангиди ишлатиларди.
Албатта, бунинг ўзига чарча чўнг сабаблари ҳам бор эди...
Аскарликка кетаётган йигитни бутун кишлоқ ахли чуввос солиб, йиглаб-сиктаб куаттагини биринчи марта кўргандида мактабга эндиғина борганди эдим. Мени йигитнинг ота-онасию жигарлари билан биргаликда кариндошу-ноқарин-дош чол-кампирлар, эркак-аёллар, босҳа тарафлардан тушган келинчаклар-у, унча-мунчага ўш тўқавермайдиган бўй киёларнинг хўнграб йиглашлари ҳайрон колдириганди.

(Давоми 2-саҳифада).

ХОРАЗМ

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

Урганг туманидаги «Ўзбеким-Хоразм» агроформаси 2009 йилдан бўйн самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Да-стлабки йили 50 тонна мева-сабзавот қайта ишланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1000 тоннага етказиди.

— Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантирида та-шиди. Айниқса, «Экология бурчаги» қатнашчилар катта та-ассурот колдириди. Таъдир давомидан ўқитувчилар очик дарсларда қатнаш, ўзаро тажриба алмасиди.

Ўқиб-ўзлар томонидан тайёрланадиган 12 турдан зиёд маҳсулотлардан ташаббуси билан цехда оиласидан 7 нафар аъзоси меҳнат қўлимоқда. Улар ишлаб чиқарган нон маҳсулотлари турли танловларда фахрли ўринларга лойик кўрилган.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбари

НАВОЙИ

ТАЖРИБА АЛМАШИБ...

Навоий вилоят ҳалқ таълими бошқармаси касаба уюшма фаоллари билан ҳамкорликда 12-умумтаълим мактабида «Маънавият онлардан бошланади-мавзусида семинар ўтказиди.

Иштирокчилар дастлаб мактаб фаолияти билан яқиндан танишди. Айниқса, «Экология бурчаги» қатнашчилар катта та-ассурот колдириди. Таъдир давомидан ўқитувчилар очик дарсларда қатнаш, ўзаро тажриба алмасиди.

Ўқиб-ўзлар томонидан тайёрланадиган 12 турдан зиёд маҳсулотлардан турли ҳалқаро қўргазмаларда ҳам намойиш килинганди. Юқсан мактаблардан ташаббуси билдири, бу ўзлиги мактаблардан ташаббуси билдири.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбари

КОРАҚАЛПОҒИСТОН

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

Нукусдаги «Айзада чевар қўллар» корхонасида фаолият кўрсататган 15 нафар чевар қиз тикиётган миллий кийимларининг харидори тобора кўплимоқда.

Корхона томонидан тайёрланадиган 12 турдан зиёд маҳсулотлар турли ҳалқаро қўргазмаларда ҳам намойиш килинганди. Юқсан мактаблардан ташаббуси билдири.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбари

Инсон учун ҳар бир кунни хотиржам кутиб олишдан ортиқ баҳт бўлмаса керак. Дарҳақиқат, тинчлик — улуг неъмат. Орзунтилиши, эзгу ниятларнинг рӯёбга чиқишида, илм-фан, маданияти ривожида, бунёдкорлик ишларида унинг ўрни бекиёс.

УЛУФ НЕЪМАТ

Бугун юртимиз кўчаларида, баг-рогларда сайд қилиб юрган ёшу кекса чехрасидаги хотиржамлик, кўтарникин кайфиятини кўриб кўз қувонади, дигъ яйрайди. Истиқол шарофати билан юртимиз ёшлари хорижий давлатларда бўлимларини янада оширишмоқда. Бундан ҳар канча фахрлансан арзиди. Зоро, биз энг баҳтни ёшларимиз.

Бизни мустакил ватанимиз ўз куюғида тарбиялади, тавлими берди, баҳти кунлар, олтин орзулар, эзгу ниятлар сари етаклади. Шундай экан, озод дійримизни кўз корачимиздек асрайлар, унинг бундан-да гуллаб-яшинашига ўз хиссазини қўшилай.

Таксида кетарканман, орка ўриндицаги эллик ёшлардаги икки аёлнинг сұхбати зытиборимни тортди.

Келажагимизни ўзимиз курайлик

Ўғлим ҳукукшуносликка ўқияти. Келгусида бу соҳада «Фалончининг ўғли фалон жойин битириб чиқкан», дейишиша бас. Машинанг, ўй-жойин бўлса, шундай диломга эга бўлсанг, бундан ортиқ баҳт борми? — деди биринчи аёл.

Ёнидаги дугонаси: — Галинга кўшиламан. Яқинда фалончи билан куда бўлмоқчиман. Тўйга фалон милён сўмлик харқат қўлдим. Ахир кимсан фалончининг келени дейишларини истайман-да, — деда унинг гапини кувватлади.

Бэзига ота-оналарнинг манманлиги, фарзанди орқасидан «обур» топлиши интилиши кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, одамлар ўртасида сурмат-зътибогра дилом ёки кимгадир кариндошлиги билан эмас, инсоний фазилатлар орқали эга бўлниади. Колаверса, ёшларга барча шарт-шароит, имкониятлар яратилиштаги пайтада маҳбурун касб-кор танлашга зарурат бормикин? Айримлар одамларга мансаб-мартаਬасига қараб баҳо беришади. Мансаб кўлдан кетиши мумкин, лекин илму хунар ҳеч қажон йўқолмайди. Зоро, муборак ҳадисларда илм зулматда зиё, қашоноклида бойлик, ёғизлидка дўст, деб бежиз айтилмаган. Тенгдошларимга қаратади: «Ўз келажагимизни ўзимиз курайлик», дегим келади.

Назокат МАШАРИПОВА, ўзму талабаси

Эълон
«SABIXA XOJIONA» МЧЖ устав фонди 510 408 701 (Беш ўз юз милион тўрт юз саккиз минг етти юз бир) сумдан 280 408 701 (Иккни юз саккиз минг етти юз бир) сўмгача камайтирилаётганлигини мавлум қилади.

Янги асар тақдимоти

«ЗОМИННИНГ ТИЛ ҚОМУСИ»

«Академнашр»да чол этилган «Зоминнинг тил қомуси» номли китоб асрларга татигулик бебаҳо хазинадан кенг жамоатчиликни баҳраманд этиш йўлидаги жасоратли қадамдир.

Абдулла Кодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтидаги ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Олийхоннинг ўкуя ишлари бўйича проректори, профессор Невмат Алимов китоб муаллифлари — доцент Босим Тўйчибоев ва Козоқбой Қашқири кўхна ва навқирон Зоминнинг энг кўхна ва

зандлари эканини таъкидлаб, уларга ижодий мувофакиятлар тилади.

Филология фанлари доктори, профессор Умурзок Жуманазаров китобга «Зоминнинг тил қомуси» деб ном кўйилишининг теран асослари борлигини алоҳида қайд этди. Зоро, китобда халқимизнинг энг кўхна ва

ҳамиша навқирон тили бутун салоҳияти билан жилваланган.

Тақдимот маросимида сўзга чиқкан Ўзбекистон Milliy университети профессори Бахтиёр Менглиев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Ishonch»да «Дөврие» газеталари бош мухаррири Абдухалик Абдураззаков, Жиззах Давлат педагогика институти доценти Турсункул Алматов, институт талабалари Фотима Саторова, Шохиша Аҳмедова, Камола

хонини эътироф этишиди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухабири



САНЪАТ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда ўғил-қўйларни ҳар томонлами баркамон бўлиб вояга этиши, эзгуликка хизмат қилувчи мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллаши, ўз ижодий салоҳияти ва иктидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмокда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июнда қабул килинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада мумкин

дастурламал бўлаётir.

Мазкур ҳужжат икроси доирасида Нукус шаҳридаги 12-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий бинога эга бўлди. Мусиқий таълим бериси учун барча куляпиклар яратилган санъат масканида 310 ўқувчи малакали ўқитувчи-педагоглардан сабоб олмоқда.

Бу ерда фортельяно, баян-аккардион, торли ва халқ чолгулари, анъанаий ижорчилик, эстрада, хореография, театр, тасвирий санъат ўйналишларida машғулотлар йўлга кўйилган. Муассаса раҳба-

ри Йўлдошбай Турсимуродовнинг айтишича, мактаб тарбияланувчилари орасида мамлакат миқёсидаги кўрик-тандловларнингғолиб ва совриндорлар кўпчиликни ташкил этади. «Янги авлод — 2012» болалар ижодиёти фестивалининг яқунловчи босқичда ушбу мактаб ўйналишларida Камалбай Алимбоев ва Асадбек Султонов лауреат бўлгани бунга бир мисолидир.

Суратда: мактаб ўқувчиси Даря Тен.

Максад ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат

Оила тилсими

Соли ишдан қайтгач, нонушта ҳам қилмай полотно қаршисига ўтириб, бошлаб кўйган навбатдаги асарини давом эттириди. Ёш, аммо сарғайиб қолган дараҳт. Унинг атрофида сувиззликдан сўлаётган гуллар. Кўлида униқан қоғоз билан бошини хиёл эгиг беҳол гулларга ҳиссиз тикилиб турган киши. Кўйёфасининг ўта ғамгиллигидан унинг ўшини ҳам чамалаб бўлмайди. Сал нарида сўри тасвири. Соли расм остига «Хароба бўғ», деб ёзиб кўйди. (Аслида, бу расмда ўзининг ҳаётини тасвирилаган эди. Кейинги вақтда деярли барча расмларида кечмиши акс этган бўлиб, айниқса, хотини икки боласини олиб ўйдан кетиб қолгандан кейин бу ҳол одатта айланни бораётганди). Чукур хўрсинганча эскизни стол устида териб кўйилган асрлари ёнига кўйди. Расмларга бирма-бир тикиларкан, ўтган кунлари кўз олдида намоён бўлди.

КУТИЛМАГАН СОВФА

Оиласи билан жуда баҳтли эди. Хотининг ҳар гал расмларга маҳлиё бокиши Солига илхом бағишиларди. Кейин нима бўлди-ю хотини ўзгарди-кодди. Қоғозга тикилиб ўтиришингиз жонимга тегди, машингиз рўзгорга етмайти, бошка иш килинг, касбинизни ўзгартиринг, деб туриб олди. Соли каттиқ ранжиган, сиқилган бўлса ҳам хотинидан озигина сабр килишини сўрар, ҳали ҳаммаси яхши бўлишини ўтириради. Аммо фойдаси бўлмади. Хотини Солини ташлаб, ҳайҳотдай

ховлини ҳувиллатиб кетди. Нима бўлса ҳам хотинининг орқасидан икки-уч марта кайтишини сўраб борди. Уни, болаларни жуда-жуда соғинганини айтди. Чизган расмларнингизнинг кимга кераги бор, кийиншингиз одамнинг раҳмини келтириади. Меники, болаларни ҳам. Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Атрофга каранг, бошқалар канака яшашти, кийинши, канака ўйлар куряпти? Мен бундай ахвода яшашни хоҳлайман, деб хотини заҳрини соҷди. Солининг кўнгли оғриди. Ўйига етиб

боргач, барча чизганларини бир бошдан ёқиб юбориши келид. Аммо унайдай килолмади, нимадир йўл кўймади. Бора-бора ёғлизлика кўйнади. Энди яқинни кишиши, сирдиши шу эскириб қолган полотно ва қоғозлар бўлди...

Соли расмлардан кўзини олиб, дераzdан ташқариға каради. Теварап-атрофи кузатаркан, ичидан хаёт канча иноятлар кильмасин, барибиш шафқатисиз, деган фикр ўтди. Ахир эртага янги йил! Унинг, болаларининг севимли байрами.

Ҳамма хурсанд. Лекин унинг юраги ҳеч ёришмайпти. Одамларга ўшаб ҳамма нарсадан кувиондир юргиси, оиласи билан оқшомда кўчага сайдра чиқиси келдию, бунинг иложи йўқлигини билиб, ўрнига хоргин чўзилиб, ўйуга кетди. Тушшида кечигани бўлиб ўтган асрларни ташкил кетди. Орасида янги йил байрамини қоғозга тушшида. Бориб эски полотно қаршисига чўйкалди. Орзусидаги янги йил байрамини қоғозга тушшида. Ям-яшил арча, ранг-баранг ёритичлар уни янамя чироили турди. Арча атрофида эса у, хотини, болалари, Корбобо, Коркиз кўл ушлашиб айланшипти. Кат-

такон арчалар безалган, ҳамма ёқда байрам шукухи. Юзига табассум юргуни. Тавба, бугуннинг ўзида шулярнинг ҳаммасига ўлгуршибими ёки анчадан бери бор бўлиб, факат у этибор бермаганимкан? Эх, янги йил қандай ажойиб байрам-а, агар уни оиласиг билан қарши олсанг! Яна тушунликка тушшини иста-

ёқда байрам дастурхони, турли шириликлар, мазалирт...

Ҳамма баҳти, ҳамма хурсанд. Солининг полотно ёнидан ҳеч узоқлашгиси келмади. У билан чалғигандай, тўғриғори, овунгандай бўлди. Аммо ич-ичидан хаёлдаги орзулар ҳақиқатга айланниши кетарди. Шудам эшик тақилаб, унинг дикканини бўлди. Ким келганини ташмин ҳам килолмай, эшикни очиб, карасаки, хотини, болалари. Во ажаб, ўнгими, тушши ё чизэтгандан расмлари тасъиридан кўз ўнги жимирлаштири? Демак, хаёт асарга кўчгани каби, аср ҳам ҳаётга айланиси мумкин экан-да, ўйлаб ҳайратланди.

— Мени кечиринг, ҳаммаси учун, — деди хотини узрли оҳангла. — Нега жимсиз, ичарига тақлиф килмагиздан курсанд эмасмисиз? Ахир, биз байрамнинг сиз билан бирга тушунлашни келдик.

Солининг, барибири, калимага келмади. Болаларни маҳкамага бағрига босаркан, беихтиёр йигилаб юборди...

Зебо КУТЛИЕВА

Газетанинг навбатдаги сони

19 январ шанба куни чиқади.

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurrazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir agentligida)
Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib).

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan Ishlash — 256-85-43, Reklama va e'l'onlar — 256-87-73.

Violyatdagi muxbirlar:

Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 99890 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'onha + 998 91 131-61-55; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxor» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'satikchi:

A. Arslonov

Musahih:

S. Shodiyeva

Boshishga topshirish va sahifalarini chiqarishni boshqaradi.

Navbatchi muharrir:

B.Rizayev